

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеърлятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърлий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Ҳабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социоллингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Ибораунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

УДК: 808.03.+415.61

**ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА СОДДА НУТҚНИНГ ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ:
ТАРЖИМАДА ЛЕКСИК ЭКВИВАЛЕНТ ТОПИШ МУАММОСИ**

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПРОСТОРЕЧИЯ ВО ФРАНЦУЗСКОМ, УЗБЕКСКОМ И
РУССКОМ ЯЗЫКАХ: ПРОБЛЕМА ПОИСКА ЛЕКСИЧЕСКОГО ЭКВИВАЛЕНТА ПРИ
ПЕРЕВОДЕ**

**A COMPARATIVE ANALYSIS OF FRENCH, UZBEK AND RUSSIAN COLLOQUIAL
LEXICAL ITEMS: THE PROBLEM OF SEARCHING FOR A LEXICAL EQUIVALENT**

Деҳқонов Ислон Тешаевич¹

¹Деҳқонов Ислон Тешаевич

– Фарғона давлат университети немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Алоҳида сўз ёки фразеологик бирлик бўлган содда нутқнинг француз тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилишдаги муаммолар кўриб чиқилади. Содда нутқ лексикасидан ташкил топган, айниқса, фразеологик ифодалар кўринишидаги матнларни таржима қилишда контекст, илк матндаги адиб услуби ва қатор маданий омиллар ҳисобга олинади. Таснифий таҳлил натижасига кўра, таржимадаги ўхшашликларини топиш қийинчилик сабаблари аниқланган содда нутқдан ташкил топган, француз фразеологиялари тўртта турга ажратилади.

Аннотация

Рассматривается проблема перевода просторечий с французского языка на узбекский и русский языки, представляющих собой отдельное слово или фразеологическое сочетание. При переводе текстов, содержащих просторечную лексику, особенно представленную в виде фразеологических выражений, учитывается контекст, авторский стиль в исходном тексте и ряд культурологических факторов. В результате классификационного анализа выявлены четыре типа французских фразеологизмов, содержащих просторечия и установлены причины трудностей их адекватного перевода.

Annotation

The article considers the problem of translating French colloquial words and idioms into Uzbek and Russian. When translating texts containing colloquial language, especially presented by phraseological expressions, the context, the author's style in the original text, and a number of cultural factors are taken into account, as a result of the comparative analysis, four types of French colloquial expressions were revealed, and the reasons for the difficulty of their adequate translation were specified.

Таянч сўз ва иборалар: суҳбат лексикаси, содда нутқ, таржима, фразеология, эквивалентлик

Ключевые слова и выражения: разговорная лексика, просторечие, перевод, фразеология, эквивалентность.

Keywords and expressions: colloquial vocabulary, colloquial speech, translation, phraseology, equivalence.

Бадий асарни таржима қилишда таржимон дуч келадиган қийинчиликлардан бири адабий тилдан узоқ бўлган лексик воситаларнинг берилиши, деб ҳисоблаш мумкин. Адиблар персонажларнинг нутқий тавсифи ёки аниқ вазиятни таърифлаш мақсадида тез-тез содда, жаргон, вульгар, арготик ва шева лексикаларидан фойдаланадилар. Бундай матнларнинг таржимаси мураккаб ва этапларга бўлинган жараён бўлиб, ижтимоий белгили лексика жиддий таҳлилни талаб қилади.

Оғзаки нутқда лексикани таржима қилишда таржима қилинаётган лексик бирликни стилистик безатиш маъноси ва прагматик тавсифига ўхшаш таржима

эквивалентини топиш муҳимдир. Бу - шундай лексикани таржима қилишнинг қийин вазифаларидан бири бўлиб, асл (оригинал) лексик бирликлар бошқа тилларда шакл ва маъносига қараб жуда кам ҳолларда мос келади. Масалан, француз, ўзбек ва рус тилларида “aquarium” ва “аквариум” сўзи мавжуд. Бу сўзнинг умумий ва кўчма маъноси қуйидагича: бевосита – “балиқ ёки бошқа сув жониворлари ва ўсимликлари парвариш қилинадиган шиша идиш ёки сунъий ҳавза (аквариум)” “искусственный водоём или стеклянная ёмкость с водой (аквариум)” [7.20], кўчма маънода – “шаффоф деворли бино, идора”

“современное типовое стеклянное здание, офис” [4.25; 3.18].

Бироқ бундай мисоллар кам, таржимон учун андаза бўйича ишлаш катта хато ҳисобланади, чунки чет тили сўзлари билан

ташқи график шакли бўйича тўлиқ ёки қисман мос келувчи, лекин бошқача бевосита ва кўчма маъноларга эга сўзлар анча кўп учрайди:

Француз тили			Ўзбек тили			Рус тили		
Сўзнинг ташқи шакли	Сўз таржимаси (бевосита)	Сўз таржимаси (кўчма маънода)	Сўзнинг ташқи шакли	Сўзнинг бевосита маъноси	Сўзнинг кўчма маъноси	Сўзнинг ташқи шакли	Сўзнинг бевосита маъноси	Сўзнинг кўчма маъноси
barbe	соқол	зерикиш	соқол	соқол	ёши улуг инсон	борода	борода	опытный человек, авторитет
bombe	бомба	мастлик, майжўрлик	бомба	бомба	ташвишли ҳолат	бомба	бомба	шпаргалка
cigare	сигара	бош, калла	сигарет	сигарет	менси-маслик	сигара	сигара	предмет в форме удлинённой трубки

Турли тилларда қиёсланган икки сўз кўпинча ташқи график ёки товуш шаклида турлича туюлади, лекин уларнинг бевосита ва кўчма маънолари мос бўлади. Масалан:

Француз тили			Ўзбек тили			Рус тили		
Сўзнинг ташқи шакли	Сўз таржимаси (бевосита)	Сўз таржимаси (кўчма маънода)	Сўзнинг ташқи шакли	Сўзнинг бевосита маъноси	Сўзнинг кўчма маъноси	Сўзнинг ташқи шакли	Сўзнинг бевосита маъноси	Сўзнинг кўчма маъноси
aile	қанот	қўл	қанот	қанот	қўл	крыло	крыло	рука
bec	тумшуқ	оғиз	тумшуқ	тумшуқ	оғиз	клюв	клюв	рот
genou	тизза	кал киши	тизза	тизза	-	колелно	колелно	лысый человек
malade	касал	ақлдан озган	касал	касал	ақлдан озган	больной	больной	Сумасшед - ший
renard	тулки	айёр киши	тулки	тулки	айёр киши	лиса	лиса	хитрый человек

Бевосита маъноси мос келувчи жуфт сўзлар ҳам мавжуд, лекин бу сўзларнинг таржима қилинаётган тилда кўчма маъносидаги мосликлар мавжуд эмас. Масалан:

Француз тили			Ўзбек тили			Рус тили		
Сўзнинг ташқи шакли	Сўз таржимаси (бевосита)	Сўз таржимаси (кўчма маънода)	Сўзнинг ташқи шакли	Сўзнинг бевосита маъноси	Сўзнинг кўчма маъноси	Сўзнинг ташқи шакли	Сўзнинг бевосита маъноси	Сўзнинг кўчма маъноси
balcon	балкон	аёл кўкраги	балкон	балкон	-	балкон	балкон	-
Buffet	буфет	ошқозон	буфет	буфет	-	буфет	буфет	-
Galère	галера (19 асргача: кўп эшаккли кема)	оғир иш	галера	галера	-	галера	галера	-
Rame	эшак	чарчоқ	эшак	эшак	-	весло	весло	-
Sapin	қорақарагай	такси, тобут	қорақарагай	қорақарагай	-	ель	ель	-
tunnel	туннель	давомли монолог	туннель	ер ости йўли	-	туннель	туннель	-

Француз оғзаки нутқининг қиёсий тилларидаги эквиваленти кўрилган жуфт таҳлили ва унинг ўзбек ҳамда рус сўзларнинг қуйидаги муносабатларини

кўрсатади: жуфт сўзларнинг бирлари ташқи шакл бўйича ҳам, бевосита ва кўчма маъноларда ҳам мос келади. Масалан, французча “aquarium” шакл ва маъно бўйича ўзбекча ва русчадаги “аквариум” сўзига мос тушади. Бошқа лексик жуфтликлар фақат икки ёки бир маънода мос тушяпти. Масалан, “aile” сўзи ҳам бевосита, ҳам кўчма маънода бир хил мосликка эга, лекин ташқи шакл бўйича ўзбекча “қанот” ва русча “крыло” сўзларидан фарқ қиляпти.

Французча “barbe” сўзи фақат бевосита маънода мосликка эга, ўзбекча “соқол” ва русча “борода”, лекин кўчма маънода – йўқ [1.20; 4.11]. Французча “balcon”, “buffet”, “galère” сўзларининг кўчма маънодаги мосликлари ўзбек ва рус тилларида умуман мавжуд эмас [5.15]. Шуни назарда тутиш керакки, “aquarium” ва “аквариум” сўзи каби тўлиқ уч тилда ҳам мосликка эга сўзлар жуда кам.

Содда нутқ лексикасини таржима қилишдаги қийинчилик шундан иборатки, манба тил содда нутқининг лексик бирлиги кўпинча бир хил сўз бирликларидан ташкил топади, бошқа маънода қўлланилади, албатта, ўз таъсирчанлиги жиҳатидан таржима қилинаётган тилдан жиддий фарқ қилади. Қарама-қарши тилларда фразеологик даражада эквивалент ёки мосликнинг йўқлиги матнни етарли даражада қийин бўлган мазмунга бой нутқ ва иборалар орқали таржима қилиш вазифасини юклайди. Таржимон бу қийинчиликни бартараф қилишда таржиманинг турли усул ва йўлларида фойдаланиб, матн таржимасидаги алмаштирилган фразеологизмлар мос контекстга тўлиқ адекват бўлиши учун ҳаракат қилади. Француз суҳбат

фразеологизмларининг сўзма-сўз таржимаси аниқ материаллар таҳлилининг кўрсатишича, кам ҳолларда қўлланилади.

Француз фразеологик ифодаларининг рус ва ўзбек тилларида структур ва семантик ўхшашликларига эга, масалан:

“avoir le bras long” – “иметь руку, пользоваться влиянием”, “қўли узун бўлмоқ”;
 “avoir sa part de gâteau” – “иметь свою часть пирога”, “ўз тегишига эга бўлмоқ”;
 “fermer la boutique” – “прикрыть лавочку, прекратить дело”. “ишни тўхтатиш”;
 “ça se fait sur une jambe» – “одной левой, легко”, “бир қўлда осонроқ”;
 “queue de cheval” – “лошадиный хвост (о причёске)”, “отнинг думи (тараб шаклга келтирилган соч)”;
 “mettre des bâtons dans les roues” [9.35]– “вставлять палки в колёса”, “оёғидан чалиш”.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, француз ифодалари рус ва ўзбекча ўхшашликларга эга. Бундай ҳоллар камдан-кам учрашини яна бир бор қайд этамиз.

Шундай қилиб, оғзаки нутқ лексикасидан ташкил топган матнларни таржима қилишнинг муайян ўзига хослиги ва қийинчилиги мавжуд, чунки бундай лексика кўпинча таржима қилинаётган тилда аниқ ва муайян эквивалентга эга эмас. Бу, содда нутқий ифода билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир миллий тил учун универсал категория ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири маъноси ва муайян тилга мансуб хусусиятга эга бўлган, миллий-маданий хусусиятни ўзида акс эттирган ва бошқа тилларда такрорланмайдиган (камдан-кам истисно тариқасида, такрорланиши мумкин) аниқ лексик бирликлар тўпламига эга.

Адабиётлар:

1. Абдушукурова Л.А. Француз тили стилистикаси. – Т., 2004.
2. Хоназаров К.Х ва бошқалар. Энциклопедик луғат.– Т., 1988.
3. Гак В.Г., Ганшина К.А. Новый французско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1994.
4. Гринева Е.Ф., Громова Т.Н. Словарь разговорной лексики французского языка. – М.: Русский язык, 1988.
5. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: Азбуковник, 2000.
6. Dictionnaire du français argotique et populaire. – P.: Larousse, 2006.
7. Fréville J. Pain de brique. – P.: Flammarion, 1937..
8. Maupassant G. Bel-Ami. – P.: Le livre de poche, 1999.
9. Simenon G. Les vacances de Maigret. – P.: Presses de la Cité, 1948.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктор, профессор)